Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 18 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 53 (7050)

**Da'vat**

**Зиёд бўлса кимда ўқув, уқув, ақл, билим, Ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

**Ibrat**

**Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида тадбиркорлар томонидан 900000 сўм миқдорида пул йиғилди ва 600 та дарсликлар жамланмаси сотиб олинди.**

**Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 44 кун қолди**



***ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА***

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси грантини олган 157 нафар ёшларимиз ривожланган чет мамлакатлар университетларида таҳсил олмоқдалар. Президент грантининг бу йилги 317 нафар совриндорлари хорижда ўқишни бошлаш арафасида турибдилар.**

**Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 70 нафарга яқин фарзандларимиз халқаро - фан олимпиадаларида қатнашиб, уларнинг 41 нафари олтин, кумуш ва юқори даражали дипломлар билан тақдирландилар.**

**Етти йил оралиғида 2670 га яқин ўқувчиларимиз ривожланган давлатларга бориб тил ўрганиб, уларнинг ҳаёти билан танишиб қайтишди. Шунингдек, АКСЕЛС ташкилоти кўмагида 213 ўқувчимиз АҚШда тил ўрганиб қайтди. 50 нафар ўқувчи яна шу мамлакатга жўнатилиш арафасида.**

**Ҳурриятга эришганимиздан шу кунгача халқ таълими тизимининг 1691 та муассасаси синфлари комплект компьютерлари билан жиҳозланди. Бунинг учун давлат 61600000 сўм маблағ ажратди.**

## ЯНГИ РУКН: ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

***Истиқлол берган неъматларни ёш авлод ҳаёти мисолида аввало катталар ҳис қилишади. Иқтидорли болаларимиз собиқ шўро тузумида тўтиқушга айлантириларди. Юрт озод бўлгач, уларга қатор шароитлар яратилди. Асосий мақсад уларнинг ривожланишларини давом эттириш фикрлашдан, ижодкорликдан сўндирмаслик, Ватанимизнинг баркамол фарзанди қилиб тарбиялашдир. Республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари иқтидорли болаларни саралаб, олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришга йўлланма беради.***



Сурхондарёлик мактаб ўқувчилари бу йил республика фан олимпиадасида 5-ўринни эгалладилар. Доимо охирги натижаларни кўрсатиб келаётган вакилларимизнинг бу даражага эришувида сариосиёликларнинг муносиб улуши бор. 17 нафар қатнашчининг 7 нафари шу тумандан экани фикримиз далилидир.

Шарғундаги 1-лицей-интернатдан Бобомурод Авазов, Манучеҳр Мирзаев, Отабек Мингбоев, касб-ҳунар лицейидан Раъно Тоғаймуродова,Нилуфар Ашурова, 12-мактабдан Нигора Назарова, 32-мактабдан Умида Боқиевалар бугун нафақат сариосиёликларнинг, балки бутун Сурхон воҳасининг фахридир.

Бобомурод Шарғундаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернатининг 11-«Б» синфини битирди. У тенгдошлари орасида камтаринлиги,одоблилиги, зийрак ва зукколиги, билимдонлиги билан ажралиб туради. Кунт билан ўқийди, изланади.

Айниқса,гуманитар фанларга қизиқади. Тил ўрганишни жону дилидан севади. Инглиз тилига бўлган муҳаббати уни вилоят, республика олимпиадалари ғолиблигига олиб келди. Натижада вилоятимиз тарихида илк бор Республикада биринчи ўринни олди.

Бобомуроднинг илмий ишлашга лаёқати кучли. Шу боис лицейдаги «Кичик фанлар академия»си аъзоси. Келгусида у мустақил мамлакатимиз тараққиётига муносиб улуш қўшадиган яхши мутахассис бўлиб етишувига шубҳа йўқ.

Манучеҳр Мирзаев шу лицейнинг 11-«Г» синфининг битирувчиси. У Республика фанлар олимпиадасида информатика фанидан 2-ўринни эгаллади.

Манучеҳр илгари 14-мактабда,1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мазкур лицейда таълим-тарбия олди. У аниқ фанларга қизиқади. Бунга оила муҳити ҳам таъсир этган. Отаси Б. Мирзаев, акаси Нажмиддин ҳам вилоятимиздаги таниқли математиклардан.

Лицей директори Н.Мирзаев билан бўлган суҳбатимиз шу хусусда кечди.

-Ҳозирги замон компьютерлар даври. Уларни ҳар бир киши пухта эгалламоғи лозим. Шу боисдан мактаб тугул оилаларда ҳам компьютерлар бўлмоғига эришиш керак. Манучеҳрлар оиласида бу бор. 5 нафар фарзандларнинг барчаси компьютер билан ишлай олади. Тўнғич фарзанд Манучеҳрни 3 йилдан буён тайёрлаб келаётгандим. Меҳнатим зое кетмади.

Унда «Агат», «Ямаха», «Правец-8», «ВМ-486» маркадаги компьютерлар билан бемалол ишлаш кўникмасини ҳосил қилдим. Китоблардан эмас, амалиётда. Бунинг учун луғатлар билан шуғулланишга тўғри келди. Инглиз,рус тилларини ўргандик. Уйда, синфда ва тўгаракда мунтазам ишлашимиз натижасида у ўқимаган китоб, билиб олмаган соҳа қолмади.

Натижада менга «Компьютерда одамнинг расмини чизиш мумкинми?», «У гапирадими?», «Расмни ҳаракатга келтирса бўладими?» деган саволлар бера бошлади. Демак, болада интилиш бор. Бундан руҳланиб кўпроқ ўргатишга, ўзим ҳам изланишга тиришдим. Аммо, компьютер билан мулоқот гигиеналарини, хавфсизлик қоидаларини зинҳор ёддан чиқарганимиз йўқ. Бир кунда 50 дақиқадан ишлаш, оралиқ масофани 30-50 см қилиш, оқ халат, кўз ойнакдан фойдаланиш лозим.

Қанийди энди фақат информатика эмас, математика, физика, кимё, тарих, георафия, она тили ва адабиёти, биология, инглиз тили каби фанлар ўқитувчилари ҳам компьютер билан ишлашга ўтишса. Бу катта наф келтирган бўлур эди»,- дейди устоз.

Манучеҳр компьютер ёрдамида ижод қилган ишлар чиройли буклет ҳолига келтирилган. Ундан республикамиз байроғи, компьютер, телевизор, магнитафон расмлари ўрин олган.

Манучеҳрлар оиласидаги барча фарзандлар аъло баҳоларга ўқир экан. Укаси Хусрав Термиздаги ўзбек-турк лицейида, қолганлари Баҳори тожик қишлоғидаги 16-мактабда.

Илғор ота-оналар рўйхатига отаси Бобораҳим, онаси Майрамни олиб кирган дилбандларнинг оиладаги меҳнатидан ҳам ўрнак олса арзийди. Улар оила юмушлари билан бир қаторда чорвачилик,паррандачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишиб яхши даромад олмоқдалар. Бу оила бюджетини таъминлашда қўл келяпти.

Манучеҳр тортинчоқ, камгап бола экан. Шунга қарамай унга саволлар билан мурожаат қилдим.

— **Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан сараланиб борган ўқувчилар орасида ҳаяжонга тушдингми?**

— Албатта, аммо муаммоли саволга дуч келдим. Ҳар бир олимпиада қатнашчиси: — «Мен биринчи ўринни оламан», — деган шиор билан келаркан. Компьютерларнинг амалий, назарий томонлари бўйича менга

**(Давоми 2-бетда).**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилаётган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш масалалари муҳокама этилди.**

**Республика Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи ва эркини сақлашга риоя қилиш бўйича Комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

***

**Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Шимолий Ирландиядаги диний экстремистлар томонидан ўтказилган террорчилик ҳаракатини кескин қоралади.**

## JUMLADA JAHON

**Ҳиндистон ҳукумати Бангладеш билан АҚШ ўртасида имзоланиши мўлжалланаётган ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага норозилик билдирди.**

***

**26 июль куни Камбоджада бўлиб ўтадиган парламент сайловларини кузатиб бориш учун халқаро шарҳловчилар гуруҳи тузилди.**

**Австралия ядро синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилди.**

***

**Жаҳон банки Жанубий Кореяга 1998 йилнинг тўртинчи чораги учун икки миллиард доллар қарз бериши ҳақида хабар берди.**

**Тарбияни нажот деб билган 2-бет**

**Улуғларни эъзозлайлик 3-бет**

**Истиқлол мушоираси 4-бет**

Qaror va ijro

## ТАШХИС МАРКАЗИ

**бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланган эди**

Айни кунларда болаларни мактабга тайёрлаш ёки ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳақида ўзаро суҳбатлар қулоққа чалинмоқда, матбуотда бот-бот ёзилмоқда.

Бунга «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида чиқарилаётган қарорлар шароит яратмоқда. Хабарингизким, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Унинг 8-бандида «1998 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари тузилмасида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларини ташкил этсин» дейилган.

Шу боис Халқ таълими вазирлиги ушбу Марказни ташкил этиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарди. Буйруқда барча мутасадди ташкилотларнинг вазифалари белгиланган бўлиб, жойларда ташхис марказларини рисоладагидай қилиб ташкил этмоқлари зарур. Шунингдек буйруққа «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари тўғрисида Низом» ҳам илова қилинди.

Биз уни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик. Зеро, Низом Марказлар учун мутахассис ёки раҳбар ходимлар танлашда, ишни ташкил этишда, қолаверса, ушбу Низомнинг мақсадини барчага тушунтиришда асосий ҳужжат бўла олади.

**3- бетга қаранг.**

## ШОҲИМАРДОН ЯНА ГЎЗАЛ БЎЛАДИ

*Водийнинг сўлим гўшаларидан ҳисобланмиш Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида — 7 июлдан 8 июлга ўтар кечаси сув тошқини юз бергани ҳақидаги хабар кўпчиликни қайғуга солди. ОАВ орқали кўрилган талофатлар ҳақида хабар берилди. Президентимиз воқеа жойига бориб, ҳолат билан танишди. Ҳукумат тезда зарур ёрдам чораларини кўрди. Тошқин натижасида уйлар, чойхона ва муассасалар зарар кўрган.*

*Уларга зарур ёрдам кўрсатиляпти. Болалар оромгоҳлари орасида талофат кўрганлари борми?*

*Шукрки, аксарият дам олиш оромгоҳлари тепаликларга қурилгани сабабли сув етиб бормаган, фақатгина ҳудуддаги Бобоев номли « Ўз газ қурилиш» ташкилотига қарашли оромгоҳга қисман зарар етган эсада, қурбонлар бўлмади.*

*Дам олувчиларни эса, тошқин содир бўлган куниёқ ўз уйларига элтилган. Чунки тошқин яна такрорланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.*

**(Давоми 2-бетда).**

## ГЁТЕ ИНСТИТУТИДАН ТАШРИФ

Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетида чет эл олимлари билан мулоқотлар олиб бориш яхши йўлга қўйилган. Яқинда хориждаги Гёте номли институтнинг Тошкентдаги филиали немис тили ва адабиёти ва маданиятини тарғиб қилиш марказининг тарғиботчиси доктор Элизабет Латторо университетга ташриф буюрди.

Хорижлик тарғиботчи Тиллар факультетининг декани, кўп йиллик малакали мутахассис Дилором Рашидова, Тиллар факультетининг ўқитувчиси Одилжон Сафаров, иқтисод факультети чет тили кафедрасининг мудири Мунира Ғанихўжаева, табиий факультетлар учун немис ва француз тили кафедрасининг мудири Олексея Мироненко билан биргаликда кўзда тутилган режалар асосида фикрлашиб олинди.

Дастлаб мулоқотда Элизабет Латторо фикрлар билдирди: «Келишимдан асосий мақсад, сизларнинг университетларингизга бизнинг «немис тили, адабиёти ва маданиятини тар-ғиб қилиш, олиб бораётган ишлари билан таништириш, немис тили фанини мактабларда олий ўқув юртларида ўқитилишига ёрдам бериш, янги дарсликлар билан таъминлаш, ўқитиш программасини амалга ошириш, немис олимлари ва Ўзбекистон олимлари биргаликда дарсликлар яратиш ва унинг 1999 йилда чоп этилишини таъминлаш, Ўзбекистон ва Германия олимларининг шу университетда илмий семинарлар ўтказишини таъминлаш каби ишларни амалга ошириш. Шунингдек сизларнинг ҳам фикр ва мулоҳазаларингизни тинглаб бажонидил ёрдам беришга тайёрмиз».

Шундан сўнг Тиллар факультетининг декани, доцент Дилором Рашидова немис тилини ўқитишда университетда олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. Мулоқотда иштирок этган доцент Мунира Ғанихўжаева, ўқитувчи Одилжон Сафаров, кафедра мудири, доцент Олексея Мироненколар ҳам ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

**Зарбуви АЛҚАРОВА**

**MMM XABARLARI**

### Hammasiniki zo'r

Akmal Ikromov nomli o'rta maktabda Shahrisabz tuman maktablari o'qituvchilarining texnika ijodkorligi bo'yicha ko'rik tanlovi bo'lib o'tdi. Unda 400 ga yaqin turli modellar namoyish etildi.

Tanlovda 70-o'rta maktab o'qituvchisi Muzaffar Avazov birinchi o'rinni egallagan bo'lsa-da, boshqa ko'pchilik ishtirokchilar ishlari ham tahsinga sazovor bo'ldi.

**Ahad MUQIMOV**

### Mahorat ko'rigi

Xorazm viloyatida «Yil o'qituvchisi — 98» an'anaviy ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi. Unda ishtirok etgan 12 nafar eng iqtidorli ziyokorlar o'z bilim va mahoratlarini yana bir bor jiddiy sinovdan o'tkazishdi.

Qizg'in bahslar ostida o'tgan bellashuvda omad Bog'ot tumanidagi 7 maktab o'qituvchisi Rohatjon Saidovga kulib boqdi. U barcha topshiriqlarni zukkolik bilan bajarib, faxrli birinchi o'rinni egalladi.

**G'oyib YOQUBOV**

### Ikkala taraf ham mamnun

Yozyovon tumanidagi «Nurafshon» sihatgohining dam oluvchilariga shu kun o'zgacha maroqli o'tdi. Nega deganda sihatgohning o'n nafar hamshirasi zukkolar bellashuvini o'tkazishdi.

Ular mustaqillikka, tibbiyotga oid savollarga javoblar berish bilan bir qatorda she'r, qoshiq, intermediyalar ijro etdilar. G'oliblar pul mukofotlariga Z.Abbosova (1-o'rin 3000 so'm), S.Oripova (2-o'rin 2000 so'm), M.Dadajonova (3-o'rin 1000 so'm) ega bo'lishdi.

**Nurmat HAYDAROV**

### Ezgu tilaklar bildirildi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika institutining 11 fakultetini bu yil 574 nafar talaba bitirib chiqdi. Shu munosabat bilan yaqinda institut yig'ilishlar zalida yosh mutaxassislarni mustaqil hayotga uzatish marosimi bo'lib o'tdi.

Tantanali marosimda institut rektori, O'zFA muxbir a'zosi, falsafa fanlari doktori, professor Jumanazar Bozorboyev va boshqalar bitiruvchilarga dil so'zlarini izhor etishdi.

**G'oyib YOQUBOV**

**MMM XABARLARI**

### Hordiq

Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Oltinko'l tuman qo'mitasi yoz mavsumida o'qituvchilarning miriqib dam olishiga alohida ahamiyat berishmoqda. Shu kungacha 18 nafar o'qituvchi Respublika miqyosidagi Chimyon, Chinobod, Zilol, O'zbekiston, Guliston sihatgohlarida, 66 nafar xalq ta'limi xodimlari esa Dilkushod oromgohida sog'liklarini mustahkamlayapti.

**Shuhratbek KELDIYEV**

# ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ТАШХИС МАРКАЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 05.06.98 01—278 сонли буйруғига илова**

### I. Умумий қоидалар.

1.1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13 май 1998 йил 203-сонли Қарори асосида ташкил этилади.

1.2. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, психологик ва педагогик ташхис марказлари (бундан кейин матнда Марказ деб берилади) ҳар бир шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари қошида, ўз ҳудудлари доирасида ўқувчиларнинг касб йўналишлари, ақлий ва касбий қобилиятларини мактаб жамоаси ва психологлари билан биргаликда мунтазам равишда ўрганиш, назорат этиш, тегишли амалий маслаҳатлар бериш, мактабдан кейинги истиқболий ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида тузилади.

### II. Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари.

2.1. Марказ, Республика истеъдод Маркази ва у орқали бошқа илмий-методик ташкилотларнинг раҳбарлигида ўқувчиларнинг касб-ҳунарга лаёқат йўналишлари ва қобилиятлари савиясини аниқлаш (ташхис) ишларини мактабларда мунтазам равишда олиб боради, ҳар бир ўқувчи ҳақида унинг қизиқишлари, интилиш ва лаёқатлари, эришган ютуқ ва камчиликлари, ақлий ва умумий ривожланиши ҳақидаги кўп йиллик педагогик ва психологик ташхис маълумотлари захираси (банки)ни ташкил этади, тартибга келтиради, махсус дафтар ва дастурларда қайд этиб боради. Бир неча йиллик ривожланиш кўрсаткичлари (банки)дан ҳар бир боланинг ривожланиш жараёнидаги ўзига хослигини аниқлайди, тегишли ҳунар таълими олишида психофизиологик талабларга мувофиқлигини белгилайди, мактабни битириш арафасида ўқувчига асосли равишда кейинги таълим йўналишини танлашда кўмаклашади ва тегишли тавсиялар беради.

2.2. Ҳар бир битирувчи тўғрисида кўп йиллик таълими жараёнида йиғилган маълумотлар захирасини ижодий таҳлил этиб, педагогик, касбий ва психологик ташхис натижаларига асосланиб, унинг мактабдан кейинги касбий таълим йўналишини белгилайди ва тегишли хулосаларини махсус ҳужжат сифатида бериладиган **тавсияномада** акс эттиради. Марказ раҳбари жавобгарлиги остида битирувчига бериладиган ушбу тавсиянома ўқувчининг ўзига, ота-оналарига унинг лаёқат йўналишлари, қобилиятлари савияси ва таълим олиш имкониятлари ҳақида илмий асосланган ҳужжат бўлиб, мактабдан кейинги таълим йўналишини тўғри танлашда кўмаклашишни назарда тутади.

2.3. Марказлар Республика Истеъдод Маркази, Республика илмий-методик муассасалари ва чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқий, илмий-методик ишларни бажаришда иштирок этади; янги ташхис методикаларининг яратилишида, синаб кўрилишида тажриба майдончаси вазифасини ўтайди, илмий-методик ва оммабоп қўлланмалар яратиш ишларини бажаради.

2.4. Марказлар мактаб тиббий-санитария ва психологик хизмат фаолиятларини назорат этади, уларнинг тегишли мутахассислар билан таъминланишида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бўлимлари, мактаблар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади. Тиббий ва психологик хизмат савиясини кўтариш мақсадида тегишли илмий-методик ва моддий ёрдам уюштиради, даврий равишда уларнинг ҳисоботларини талаб этади, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан бажарилиши лозим бўлган фаолиятларини мувофиқлаштиради.

2.5. Таълим олишда катта ютуқларга эришаётган болаларнинг ривожланишини мактаб психологлари билан бирга назорат қилади, вилоят маркази мутахассислари билан ҳамкорликда тегишли методик, психологик ва педагогик тадқиқотлардан ўтказади ва ҳар бир йўналиш соҳасида истеъдодли деб топилган ўқувчи-ёшларнинг ҳудудий банкини яратади. Уларнинг ижтимоий-оилавий муҳити ҳақида маълумотлар йиғади, махсус услубий ишланмалар ёрдамида таржимаи ҳолларини ўрганади, интеллект кўрсаткичларини (IQ), касб-ҳунарга мойилликларини, қизиқишларини ва кўникмаларини ҳисобга олади, эҳтиёжга қараб тегишли методик, психологик, тиббий ёрдам ва моддий рағбатлантириш усулларини қўллайди.

2.6. Марказлар ўз ҳудудлари доирасидаги мактаб ўқувчилари орасидан жисмонан заиф ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни назоратга олади, улар ҳақида алоҳида маълумотлар захирасини яратади, таълим-тарбияси ва ривожланиши учун зарур бўлган мутахассисларнинг жалб қилинишига кўмак беради, тегишли методик, психологик ва тиббий ёрдам беришни ташкил қилади, махсус ўқув муассасаларига йўлланмалар беради.

2.7. Мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда болалар ва ёшларнинг касбий тайёргарлиги, касбга йўналтирувчи тадбирларнинг ўтказилишида уларга методик ёрдам беради. Касб-ҳунарлар ҳақида ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида тарғибот ишларини олиб боради, ўз ҳудудлари доирасида касб-ҳунар кадрларига бўлган эҳтиёжни ўрганади, ҳар бир касбнинг ижтимоий қиймати, инсонга қўядиган талаблари ҳақида ўқувчилар орасида тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкил этади. Миллий ҳудудий зарур бўлган касб-ҳунарлар ҳақида махсус кечалар, суҳбат ва кўрик-танловлар, турли мусобақалар уюштиради.

2.8. Олти ва етти ёшли болаларни мактабга тавсия этиш комиссияларини тузади ва мутахассислар ёрдамида Республика илмий-методик муассасалари тавсия этган методика ва тестлар воситасида болаларни ўқишга етуклик даражасини тўғри ва илмий аниқлашда мутахассислар ва гуруҳлар фаолиятини (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 05.06.98 йил 102-сон ҳамкорликдаги буйруғи ва унга қилинган иловага биноан) мувофиқлаштиради, тегишли мезон талабларига жавоб берган болаларни мактабларга тавсия этилишини ташкил этади.

2.9. Йилда бир марта барча ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда ҳокимият ва шаҳар, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари фаолиятларини мақсадли мувофиқлаштиради, жисмонан заиф, касалманд болаларнинг назорати ва уларни соғломлаштириш ишларини мактаб тиббий ходимлари билан биргаликда амалга оширади.

### III. Марказларнинг иш мазмуни, таркиби ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги.

3.1. Ўз ҳудудлари доирасидаги мактаб ўқувчиларининг ҳар бирини ҳунар ва касбларга бўлган лаёқат ва қобилиятларини ўрганиш, уларнинг ўзгариши ва ривожланишини мунтазам назорат этиш, улар ҳақида маълумотлар захираси банкини яратиш ҳар бир ўқувчининг мактабдан кейинги истиқболий ривожланишини аниқлаб, маслаҳат ва тегишли ўқув муассасаларига йўлланмалар бериш — Марказ фаолиятларининг асосий иш мазмунини ташкил этади.

3.2. Марказнинг мутахассислар таркиби ҳудудий имкониятларидан келиб чиқиб, врач (терапевт ёки педиатр), психолог (социолог), дефектолог ва педагог-ташкилотчилардан иборат этиб тайинланади. Марказларнинг раҳбарлари жойлардаги ҳокимиятлар ва Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда ўзларидан юқори бўлган бошқарув органи шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг буйруқлари билан тайинланадилар. Кадрлар танлаш, уларнинг касбий мувофиқлиги, иш самарадорлиги Марказ раҳбари ва бўлим мудирларининг бевосита жавобгарлиги остидадир.

3.3. Марказ раҳбари ушбу Низомдан ва бошқа расмий ҳужжатлардан келиб чиқадиган вазифа ва талабларни тўла ҳамда ижодий ёндашган ҳолда бажаришга масъул. Раҳбар Марказ ходимларининг вазифаси, иш тартиби ва режасини юқори органлар билан келишган ҳолда тасдиқлайди ва бажарилишини таъминлайди.

3.4. Мактабни битирган ўқувчиларнинг ўз лаёқат ва қобилиятларига, қизиқиш ва истакларига мос равишда академик лицей ва коллежларга юз фоиз таҳсил олишларини таъминлаш Марказ фаолиятининг асосий иш самарадорлиги кўрсаткичи сифатида ҳисобга олинади ва унинг назорати, тегишли моддий, маънавий, ташкилий, илмий-методик ёрдамларнинг уюштирилиши шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармалари режасига киритилади, ҳисоботларида акс эттирилади.

3.5. Марказ ёш истеъдодларни излаб топишда, уларнинг ривожланиши жараёнини назорат этишда, тегишли моддий ва маънавий ёрдам уюштиришда Республика Истеъдод маркази, Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг минтақавий бўлимлари, «Улуғбек», «Соғлом авлод учун», «Болалар»,«Оила» жамғармалари ва давлат, жамоатчилик ташкилотлари, якка ҳомийлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

3.6. Касбий ва ақлий ташхис методикалар банкини, ҳар бир ўқувчи ҳақида маълумотлар банкини, «Истеъдод» банкини яратишда Республика Истеъдод Маркази ва бошқа Республика илмий-методик ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

3.7. Мактаб ўқувчиларининг тиббий назоратини мунтазам таъминлашда, 6—7 ёшли ўқувчиларни мактабга қабул қилиш комиссияларини тузишда туман, шаҳар соғлиқни сақлаш ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, шаҳар, туман ҳокимиятлари, ота-оналар вакилларини жалб этади, мактаб врачи ва ҳамшираси билан ҳамкорликда амалга оширади.

### IV. Марказ ва унинг ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудири билан келишган ҳолда халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимлари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларидан иборат бўлган турли йўналишларда фаолият кўрсата оладиган ихтисослаштирилган комиссия ва ишчи гуруҳларини тузиш, уларнинг олдига хизмат вазифасидан келиб чиқадиган Марказ фаолиятини бажариш доирасида аниқ талаб ва вазифаларни қўйиш, улардан тегишли тарзда ҳисобот талаб этиш;

4.2. Кўп йиллик кузатишлар, педагогик-психологик ва касбий ташхис маълумотларининг илмий таҳлили натижаларига асосланиб, яъни ҳар бир ўқувчининг устивор интилиши ва қизиқишлари, мавжуд интеллектуал имкониятлари савияси (IQ), касбий майл ва лаёқат йўналишларини тўла ҳисобга олган ҳолда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидаги таълим йўналишини танлашда кўмаклашиш ва тегишли тавсияномалар бериш;

4.3. Ўз ҳудуди доирасидаги мактаб, мактабдан ташқари ва мактабгача тарбия муассасаларидан Марказ фаолияти доирасига кирадиган ва ушбу Низом ғоясига қарши бўлмаган барча ўқув-тарбиявий, психологик, тиббий ва бошқа маълумотларни талаб қилиш, уларни ҳисоботларида акс эттириш ва қайта ишлаб умумлаштирилган ҳудудий хулосаларга келиш;

4.4. Марказ фаолиятига зарар етмайдиган тарзда, Ўзбекистон Қонунлари рухсат берган вазиятларда аҳолига тиббий, тиббий-психологик, психодиагностик, методик ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш;

4.5. Ўзининг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўз назорати остидаги мактабларнинг жойлашуви ва улардаги болалар сонига қараб ўзидан юқори бошқарув органларига штатлар жадвалига киритилган мутахассислар таркиби, уларнинг сони ҳақида ўз таклифларини бериш;

4.6. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш шаҳар ва туман бўлимларининг кенгашларида иштирок этиш, кўриладиган масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини тақдим этиш;

4.7. Марказ ва унинг тасарруфидаги мактаб, мактабдан ташқари, мактабгача тарбия муассасаларидаги тиббий, тиббий-психологик, касбий, педагогик ва психологик ташхис натижаларига асосланиб берилган тавсиялар, йўлланмалар ва бошқа фаолиятлари бўйича тушадиган ариза, шикоят ва таклифларни кўриб чиқиш, эҳтиёж туғилганда тегишли муассасалардан мутахассисларни жалб этиш ва ҳамкорликда чора-тадбирлар кўриш.

### V. Марказларни бошқариш, молиявий ва моддий-техник таъминланиши.

5.1. Марказлар туман, шаҳар халқ таълими тасарруфидаги алоҳида ташкилот бўлиб, юридик шахс ҳисобланмайдилар ва уларнинг моддий, молиявий, кадрлар билан таъминланиши, иш самарадорлигини назорат этиш, даврий равишда ҳисоботларини тинглаш, тегишли ташкилий-методик ёрдам уюштириш жойлардаги вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бошқармалари зиммасига юклатилади.

5.2. Марказларнинг барча илмий методик, ташхис, маслаҳат ва тавсиялар бериш фаолияти бевосита Республика Истеъдод Маркази ва у орқали Республика Таълим Маркази, Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти, ЎзПФИТИ ва бошқа ташкилотлар билан мувофиқлаштирилади.

5.3. Марказ ушбу Низомдан келиб чиқадиган фаолиятларининг ижодий ва юқори савияда бажарилишини таъминлаш мақсадида Республика Истеъдод Маркази, вилоят, шаҳар, туман халқ таълими тизими, ҳокимиятлар ва бошқа ҳомий ташкилотларнинг молиявий таъминоти ҳисобидан Республика илмий-методик марказларининг, эҳтиёжий зарурат туғилганда чет эл ташкилотларининг мутахассисларини шартномалар асосида жалб этиши, узоқ йиллик илмий-амалий ишларни режалаштириши ва амалга ошириши мумкин.

5.4. Марказлар қошида психологик, касбий ва тиббий диагностика лабораториялари, маслаҳат хоналари очилиши ва улар тегишли методикалар, тестлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари, нусха кўчириш ускуналари ва бошқалар билан таъминланиши мумкин.

---

Anjuman

## ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲАҚИДА

Ана шу мавзуда Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни университет ректори, профессор Қ.Утениёзов кириш нутқи билан очди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари И.Юсупов «Маънавиятни кучайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси», Қорақалпоғистон республикаси адлия вазирининг ўринбосари Қ.Сеитназаров «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги ҳақида», университет ўқитувчиси М.Сейтназаров «Диний экстремизм ҳақида» мавзуларида маъруза қилдилар.

Қорақалпоғистон республикаси прокурори Ҳ.Халимов ёшлар ўртасида маънавий ва ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, ҳар хил жиноятларнинг олдини олиш юзасидан нутқ сўзлади.

***

Худди шу мавзудаги анжуман Нукус лицейида ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов, филология фанлари доктори, профессор Кенгесбой Олламбергенов, лицей директори А.Турдимамбетов ва бошқалар талабаларнинг саволларига жавоб беришди.

**Ўз мухбиримиз**

---

1998 yil — Oila yili

## КЕЛИНЛАРИ ҲАМ ЎҚИТУВЧИ

*Даврада ширин суҳбат қуриб ўтирган бу ёқимтой аёлнинг юзларига тикилган киши умрининг эллик бешинчи пиллапоясидан хатлаб ўтганига шубҳаланади.*

*Дилором опа Зиёева ўз касбини чуқур севган, ўз ишига сидқидил ва муҳаббат билан қарайдиган, ёш авлодни севишни, унга таълим ва тарбия беришни энг шарафли иш деб биладиган ўқитувчилар жумласидан.*

*Жамиятимиз тараққиёти, ҳаётимиз талабларини доимо чуқур ҳис қилган ҳолда, ўзининг педагогик маҳоратини қунт билан ошира бориш, ёш авлодни кўнгилдагидек тарбиялаш ишларига баракали ҳисса қўшишга интилиш Дилором опанинг энг яхши хусусиятларидандир. Бу хусусият у Тошкентдаги 2-педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган вақтларида ҳам равшан кўриниб турди. Кўп вақтини билим юртида ўқитувчилар дарсини тинглашга сарфлайди. Дарсларни чуқур ва пухта таҳлил қилади. Ёш ўқитувчилар ишига кўпроқ эътибор беради. У ўз билими ва малакасини ёш ўқитувчиларга тинмай ўргатади. Шу боис жамоа аъзолари қалбида ижобий таъсир қолдириб, ташкилотчи, камтар дўст ва маслаҳатчи, омилкор ўқитувчи сифатида кўзга ташланади.*



*Д. Зиёева бугун маориф фахрийси сифатида иззат-ҳурматда. Беш ўғилнинг, беш келиннинг онаси, 7 набиранинг бувиси. Фарзандларидан тўнғичи Фарҳоджон тарих фанлари номзоди, ўқитувчи, Зафаржон муҳандис, Содиқжон ва Эркинжонлар химик-технологлар, кенжаси Шавкатжон эса маркетинг ва менежмент мутахассисидир. Эътиборлиси шундаки, унинг келинларидан Дилором, Ирода ва Умидалар ҳам ўқитувчилардир. Яна бир келини Диловархон болалар шифокори бўлса, кенжа келини Лазокатхон иқтисодчидир. Ана шундай зиёли оиланинг бошлиғи Собир ака фалсафа фанлари номзоди, доцент, кўп йиллар давомида республика ХТВда бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган, бугунги кунда Тошкент вилоят педагогика билим юртининг раҳбаридир.*

*Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Дилором опа ҳам ҳалол меҳнати туфайли эл ҳурматига, олқишига сазовор. У пок ва шарафли касби туфайли бахт топаяпти, улуғланаяпти.*

**Тўрахўжа ЭРХЎЖАЕВ.**

***СУРАТДА: Д.Зиёева келинлари билан.***

---

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

## ҲОМИЙЛАР ҲИСОБИДАН

**Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 23-ўрта мактабдаги 620 нафар ўқувчининг барчаси темирйўлчилар фарзандлари ҳисобланади. Келажагимизга умид билан, ғайрат билан мустақил қадам ташлаётган 620 нафар ўқувчи-ёшларнинг тарбияланиб билим олишларида Зулайҳо Муродова, Олия Умарова, Жамила Норова ҳамда Азим Абдуллаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.**

**— Мактаб таъмирини биринчилардан бўлиб якунладик. Ўқув биносини ташқи ва ички томонлари, амалий машғулот хоналари, меҳнат ва бошқа дарслар ўтказиладиган синфхоналарни янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди, — дейди мактаб директори Мавжуда Омонова.**

**Бу борада ушбу илм масканини оталиққа олган Бухоро темир йўлига қарашли ПЧИ-11 ташкилоти яқиндан ёрдам берганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.**

**У. ПЎЛАТОВ**

---

Ajdodlar yodi

## УЛУҒЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Оллоҳга шукроналар бўлсинким, не-не авлодлар орзу қилган Мустақиллик неъмати бизга насиб этди. Мустақиллик шарофати билан вилоятимизда,туманларимиз ва қишлоқларимизда чинакам ўзгаришлар юз бера бошлади. Ватанимиз тарихига,маданиятимизга,маънавиятимизга, ота-боболаримиздан келаётган урф-одатларга меҳр билан қарашни, ардоқлашни ўргандик.

Бир замон «Ленинизм» деб номланиб келган хўжалигимиз, истиқлолдан кейин шу ернинг халқи хоҳиш-истагига кўра бобокалонимиз Амир Темур номи билан аталди. Хўжалик Тайлоқ туманида жойлашган Самарқанд-Панжакент йўлининг шаҳардан чиқишидаги ўн олтинчи километрида жойлашган. Шу катта йўлнинг ўнгида Талаб-ато деб аталган қишлоғимиз жойлашган. Қишлоқнинг пастки томонида катта бир тепалик бўлиб, устида қибланома ва иккита улуғ қабр мавжуд.Тепаликдан қибла томонда эса обод бир қадимий масжид бор. Тепалик Талаб-ато, Талабу-Мақсуд деб аталиб қишлоғимиз номи ҳам шундан олинган. Ислом оламининг атоқли уламоларидан Улуғбек салтанатининг шайхул-исломи Мавлоно Низомиддин Хомуш ва у кишининг зурриёди Амир Ҳусайн шу тепаликка дафн этилган, деб келинади.

Самарқандлик тарихчи олим Тоҳирхўжа қаламига мансуб «Самария» китобида ёзилишича, Самарқанд шаҳридан кун чиқар томонга кетишда 16 километр узоқликда жойлашган бир қишлоқдаги тепаликда авлиёнинг қабрлари бор, деб хабар берилади. Бу тепаликда жойлашган қабристон улуғ жой бўлган. Уловда ўтаётган йўловчи уловдан тушиб,оёқ кийимини қўлига олиб қабристонга юзланиб кириб,зиёрат қилиб, кейин орқаси билан юриб чиқиб кетишар экан. Шунда хомуш бўлинг,фаромуш бўлинг деб, Хомуш Фаромуш номини олган эканлар.

Ҳозирги кунда 3000 киши истиқомат қилаётган қишлоқда шу тарихимизни асослаб берадиган инсонлар йўқ. Бугунги кун талаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Талаб-ато қишлоғи тарихини ўрганиб, қайта тиклаш ниятидамиз. Шунга кўра мамлакатимиз қадимшуносларига, олимларимизга,уламоларимизга Мавлоно Низомиддин Хомуш ҳамда у кишининг зурриёдлари, Амир Ҳусайн ҳақида биладиган кишилар Талаб-ато қишлоғи тарихини ўрганишда яқиндан ёрдам қилишларини сўраб мурожаат этяпмиз. Шоядки, Мавлоно Низомиддин Хомуш ва у кишининг зурриёдлари Амир Ҳусайн дафн этилган жой ҳам Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий ва Ат-Термизий каби улуғ инсонлар яшаб ўтган жойлардай жаҳон олимлари, тарихшунослари ва дин уламолари ҳамда, сайёҳларни ўзига жалб қиладиган обод бир масканга айланса,деб ният қиламиз.

**Талаб-ато қишлоғи аҳли номидан маҳалла қўмитаси раиси А. МАМАТҚУЛОВ**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳақиқатдан ҳам улуғларимизни эъзозлаш бизнинг бурчимиз. Улардан қолган меросни топиб, ўрганишимиз керак. Юқорида тилга олинган жойга таҳририятимиз ходими сафарда бўлган чоғида йўл-йўлакай кириб ўтди. Унинг айтишича, анчагина ишлар амалга оширилган. Махсус чизилган мақбаранинг уч лойиҳасидан бири танланиб қурилмоқда. Бироқ бу савоб ишларга «Амир Темур» жамоаси раҳбарияти қўшилса, бу қадамжонинг қурилиши тезлашган бўларди.***

Sport maydonchasi

## ФУТБОЛ БИЗНЕСИ

Футбол бўйича 16-жаҳон чемпионати тугаган бўлса-да, у билан боғлиқ энг қизиқарли ва шов-шувли ҳисоб-китоблар, воқеалар ҳамон давом этмоқда. Финал учрашуви бўлиб ўтган Сен-Дени шаҳридаги муҳташам ўйингоҳнинг чими қирқиб-қирқиб сотувга қўйилди. Мутахассислар эса, командалар ярим йиллик рейтингини ишлаб чиқди. Навбатдаги катакда яқинда аниқланган 6 команданинг ўрнини ҳавола этамиз.

## БРАЗИЛИЯ БАРИБИР ЗЎР

1. Бразилия
2. Франция
3. Хорватия
4. Голландия
5. Аргентина
6. Чехия

## МАЪРУФАЛИЕВ УКРАИНАДА

Тошкент вилоятининг «Дўстлик» командаси ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, таниқли футболчи Абдуқаҳҳор Маъруфалиев яқинда шартнома асосида Украина чемпионатининг олий лигасида қатнашаётган МАСК клубига жўнаб кетди.

## ДУНЁ ЎСМИРЛАРИ ЎЙИНИ

Москвада бутун дунё ўсмирларининг 1-ўйинлари шиддат билан давом этмоқда. Унда жаҳоннинг 137 мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар қатнашмоқда. Ушбу нуфузли мусобақаларнинг биринчи олтин медали ростовлик Борис Юркинга насиб этди.

## ЯНГИ ЖУРНАЛ

Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси «Наш футбол» деб номланган янги футбол журналини чиқарди. Ҳозирча унинг савдоси ваҳимали бўлмаса-да, ҳар ҳолда келажагидан умид қилса бўлади.

Журналдаги мақола ва хабарлар ўзбек ва рус тилида ёзилмоқда.

# САҲРОДА ЯШНАГАН ЧАМАН

Шофиркон тумани Бухоро вилоятининг қишлоқ хўжалиги ривожланган, ишлаб чиқаришда пешқадам туманларидан саналади. 120 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бу макон поёнсиз қум барханларидан иборат Қизилқум чўлига бориб туташади. Эрамизнинг дастлабки юз йилликларида гуллаб-яшнаган, дунёга донғи кетган Варзонзе шаҳри ҳам Шофиркон ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли бўйида жойлашганди. Мустақиллигимиз шарофати билан бу ерда олиб борилаётган бугунги ишлар мозийдаги ўша қадим манзилгоҳ шуҳратини қайта тиклашдек туюлади менга.

Бундан роса қирқ йил муқаддам ўша маҳалдаги Ўзбекистон раҳбари Ш. Рашидов ястаниб ётган чўлнинг бир четига чинор ниҳоли экиб, «Шу маконлар обод гўшаларга айлансин. Экилган бир туп чинор минг чинор бўлсин!» — дея ният билдирган эканлар. Мана бир неча йилдирки, шу ерда «Мингчинор» болалар ёзги оромгоҳи ташкил этилиб, халқимизнинг минглаб болалари дам оладилар. Биз яқинда оромгоҳда бўлиб, бу ерда ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик.

Оромгоҳни хўжаликлараро механизациялашган қурилиш ташкилоти тез ва соз таъмирдан чиқаргач (таъмирлашга 170 минг сўм пул сарфланди), биринчи гуруҳга 350 нафар ўқувчи қабул қилинди. Биз «Мингчинор»га борганимизда иккинчи гуруҳ (310 нафар) дам олаётган экан. Бош тарбиячи Ҳамид Умаров, бош етакчи Ойсара Ҳасанова, етакчилардан Меҳри Собирова, Шоҳида Тоғаева, Улуғбек Эргашев, тарбиячилардан Мақсуда Ҳасанова, Бахтиёр Шарипов, Хурсанд Ҳамидова ва бошқалар болажонларнинг ёзги таътилларини имкон қадар сермазмун ўтишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Оромгоҳда туман халқ таълими бўлими (мудири Ҳ. Вафиев) услубхонаси тавсия этган дастур асосида турли адабий-бадиий кечалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Ўқувчилар кунора оромгоҳ ёзги томошохонасида ёшларига мос кинофильмлар кўришмоқда. Махсус бассейнда сузиш тўгараги ишлаб турибди. «Мингчинор»да болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб турувчи доимий махсус врачлик пункти мавжуд. Бу ерда оромгоҳ бош врачи Ҳалил Эсонов, катта фельдшер Қиём Ҳайитов, Юнус Холниёзов ва врач-стоматолог Нурмат Ҳақбердиевлар ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Бош врачнинг сўзларига қараганда, айрим тиббиёт асбоб-ускуналари эскирган. Ўйлаймизки мутасадди ташкилотлар бу муаммони ижобий ҳал этадилар.

Дам олувчи ўқувчиларнинг кунлик овқатланиш қиймати ҳар бирига 225 — 235 сўмни ташкил этмоқда. Йўлланманинг 50 фоиз қийматини туман касаба уюшмаси, яна шунча қисмини эса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тўламоқда. Кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари тумандаги хўжаликлардан келтирилиши билан бир қаторда шу ернинг ўзидан ҳам чиқаётган экан. Дарвоқе, «Мингчинор»нинг умумий майдони 68 гектарни ташкил этади. Бу ерда ўнлаб гектар майдонларда турли мева дарахтлари экилган. Яна ёрдамчи хўжаликда етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларининг маълум қисми ҳам оромгоҳ дастурхонига файз киритади.

«Мингчинор»нинг довруғи узоқларга кетган. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги оромгоҳни ўқувчилар таътилини муносиб ўтказишдаги хизматлари учун Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо телевизор билан тақдирлади. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси ҳам оромгоҳга ўзининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Тиниб-тинчимас ташкилотчи, «Мингчинор» оромгоҳи директори Ҳаким Юсуповнинг таъкидлашича, таътилнинг сўнгги учинчи қисмида ҳам чўл қўйнидаги бу чаманда халқимизнинг 300 нафар фарзандлари мириқиб дам олишади.

**Норали ОЧИЛОВ**



Istiqlol mushoivasi

## ВАТАН ҚЎШИҒИ

(Шоҳжаҳон ва Зирғомшоҳга)



Мен Ватанни севаман,
Танда жонимдир Ватан.
Юлдузлари кўзимдир,
Осмонимдир Ватан.

Киприкларим варақлар,
Ой саҳфалар чарақлар.
Тошлари ҳам ярақлар,
Нур баёнимдир Ватан.

Мендан ёш, лекин қутлуғ,
Етти пуштимдан улуғ,
Бағри ҳикматга тўлуғ,
Дур маконимдир Ватан.

Тоғи — Бухорий бобом,
Боғи баҳорий бобом.
Темур — суворий бобом,
Шоҳжаҳонимдир Ватан.



Нақшин нигор бешигим,
Қуёш очган эшигим,
Отам айтган қўшиғим,
Жонажонимдир Ватан.

Менда кўпдир ҳур ният,
Энг азизи — Ҳуррият.
Шарафинг — абадият
Шараф-шонимдир, Ватан.

Доим ёруғдир йўлим,
Бу шеърни айтди кўнглим.
Ватан — Шукрона синглим,
Онажонимдир Ватан.

## ХОРАЗМЧА

Бир гул кўрдим нақши нигор шаклинда,
Камзуллари боғу баҳор шаклинда,
Қаро кўзи лайлу наҳор шаклинда,
Икки зулфи мор, аждаҳор шаклинда,
Бул иккиси тун-кун бедор шаклинда.
Баланд боғнинг олмаю оранжи бор,
Боғ ортинда Хеваю Урганчи бор.
Бир сўз десам андаккина ранжи бор,
Бул санамнинг икки ниҳон ганжи бор,
Барглар аро икки анор шаклинда.
Ғунча лаби ғунчаларни сўлдурур,
Асли ғунча деганлари шулдурур.
Кулгичлари куйдурур ҳам кулдурур,
«Галдингизми» дейишлари ўлдурур.
Қурбонлари қатор-қатор шаклинда.
Қуёш чиқса шул санамнинг юзидан,
Олам кечар ойиндан, юлдузидан,
Даъво қилмай дилнинг ёзу кузидан,
Ямангача кетай анинг изидан
Гоҳи ҳазон, гоҳи ғубор шаклинда.
Энди биза бир гап бўлса гул сабаб,
Хоразм, ай, ҳолимиза қўй қараб.
Энди билдик, ишқ элина ўт қалаб,
Ҳофизларинг куйласалар, шул сабаб
Шамойили селу себор шаклинда.

## ШЕЪР ВА ЕР



АБДУЛЛА ТУРДИЕВГА

Барчаси тупроқ бўлди
Беланиб хору хасга,
Мен бир девор тикладим,
Ҳасратим — пахса-пахса.

Бу дунёдан на дунё
Ва на қаср истадим,
Қад ростлади устивор
Пахса-пахса қисматим.

Йилларим сомонини
Лойимга қорди диллар.
Мендан шеър ҳиди эмас.
Мендан ер ҳиди келар.

Туфроқ бўлгайман бир кун,
Жисм қўрғонин бузиб.
Ҳеч бўлмаса қоларку
Бармоқларимнинг изи.

## ҒАЗАЛ

Шаҳр аро шарҳи дилимни битта дилдош билса бас,
Ер била осмон аро ул менга сирдош, билса бас.

Ранг-барангдир одамининг зоҳирию ботини,
Аслини қайдин билурсан, сабру бардош билса бас.

Лола бағрида ниҳон доғларга завқинг келмасин,
Ишқини Лайлога Мажнун айлади фош, билса бас.

Жоми бахтим ичра кўрсам изтиробим жилвасин,
Ўзлигимни ўзгалар кўзиндаги ёш билса бас.

Равзаи жисмим аро минг андалибнинг оҳи бор,
Андалибни андалиб дўсту қариндош билса бас.

Етти қат ер, етти қат кўк, водийи ҳижрон дилим,
Водийи ҳижрон дилимни битта дилдош билса бас.

## ТЎЙЛАР МАВСУМИ

Кечалар ой нуридан
Ҳалинчаклар тўкилар.
Юлдузлардан бинафша,
Бойчечаклар тўкилар.

Ярқирайди тунлари
Дарёларнинг сувлари,
Осмондан гўё олтин
Беланчаклар тўкилар,

Олам бунчалар ҳам ёш,
Ҳар уйда бир ой, қуёш.
Ҳаёт этакларидан
Келинчаклар тўкилар.



**Сирожиддин САЙЙИД**

## ҚУТЛОВ



ҚАДРЛИ ҲАМКАСБИМИЗ
ФОТИМА ҒОЗИЕВА

Сизни энг қувончли дамларингиз — қутлуғ 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

Соғ-саломатлик, хуш кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

**Сизга ҳурмат билан Қамаши туман халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раёсати ходимлари**

Sport

## БОЛАЛАР ТАЪТИЛДА МУСОБАҚАГА ҚАТНАШДИЛАР

Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров қарорига биноан, мамлакатимиз Мустақиллигининг етти йиллигига багишлаб маҳаллалар ўртасида, 14 — 16 ёшли ўсмирлар иштирокида футбол мусобақалари ўтказилмоқда. Сиёб, Темирйўл, Боғишамол туманлари ўртасида зонал мусобақалар қизигандан қизияпти.

Сиёб тумани биринчилигининг очилиш маросимида туман хокими Суҳроб Рафиқов иштирок этиб, чарм тўп ўйинчиларини футбол байрами билан табриклади ва ёшларга муваффақиятлар тилади. Ҳозирча мусобақаларда Зомини, Мотрит, Юсуф Харрот, Оби-Машат маҳаллалари яхши ўйин кўрсатмоқдалар.

Саралаш ўйинлари июль ойининг охирида тугайди. Финал ўйинлари эса, август ойида бошланиб, Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида тугайди.

**М. АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси**


«ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ 1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМИГА

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

ТЕХНИКУМ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

1. «Бухгалтер»
2. «Маркетинг»
3. «Донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси»
4. «Нон пишириш, макарон ва қандолат ишлаб чиқариш технологияси»

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ

«Бухгалтер», «Маркетинг» ихтисосликлари — 11-синфни битирганлар учун кундузги ва сиртки бўлимларда 1 йилу 10 ой, 9-синфни битирганлар учун кундузги бўлимда 2 йилу 10 ой.

«Техник-технолог» ихтисослиги — 11-синфни битирганлар учун 2 йилу 6 ой, сиртқи бўлимда 2 йилу 9 ой, 9-синфни битирганлар учун 3 йилу 6 ой.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР

Тўлиқ ўрта маълумотлилар тест синовлари топширадилар.
«Бухгалтер» ва «маркетинг» ихтисосликлари: Она тили ва математика;
«Техник-технологлар» ихтисослиги: Она тили ва кимё;
9-синфни битирганлар она тили ва математикадан имтиҳон топширадилар.
АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА 20 ИЮНДАН 25 ИЮЛГАЧА.

*Техникумга киришни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:*
*1. Ариза. 2. Маълумот ҳақида ҳужжат. 3. Тиббий маълумотнома № 086-У. 4. Олтита сурат (3х4). 5. Меҳнат дафтарчасидан нусха (ишлаган бўлса).*
*Кундузги бўлимга кирганлар ётоқхона ва стипендия билан таъминланадилар.*

**Техникум манзилгоҳи: Тошкент 700187, 1-Қорасув даҳаси, 1-Б уй. Автобуслар: 21, 49, 63, 89. Тел: 65-68-47.**



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ 1998-1999 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
«Мактабгача тарбия». «Бошланғич синфларда ўқитиш»
СИРТҚИ БЎЛИМГА:
«Мактабгача тарбия» мутахассислиги бўйича

**ўқувчилар қабул қилади**

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ

9-синфни битирганлар учун — 3 йилу 10 ой.

11-синфни битирганлар учун «Бошланғич синфларда ўқитиш» мутахассислиги бўйича — 1 йилу 10 ой (кундузги бўлим).

«Мактабгача тарбия» мутахассислиги бўйича — 2 йилу 10 ой (кундузги ва сиртқи бўлимлар).

Билим юртига 9—11-синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек, рус ва қозоқ тилларида олиб борилади.

Ҳужжатлар 25 июл (шу куни ҳам)гача қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ЭТИЛАДИ:

1. Маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки шаҳодатнома (асл нусхаси):
2. 086-У — шаклдаги тиббий маълумотнома:
3. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат:

ТУҒИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА, ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТААЛЛУҚЛИГИ ҲАҚИДАГИ ҲУЖЖАТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112-уй. Автобуслар: 21, 49, 63, 89 «1-Қорасув» бекати. Телефон: 65-98-91.**



ЭЪЛОН

*УзДЖТУ қошидаги хорижий тилларни чуқур ўргатишга ихтисослашган лицей 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш фаолиятига эга бўлган, инглиз тили, немис тили, француз тили, иқтисод фанларини ўзбек ва рус тилида ўқитиш учун, математика, физика, биология фанларини рус тилида ўқитиш учун танлов асосида малакали мутахассисларни қабул қилади.*

*Танлов 1998 йил 5 августдан 10 августгача давом этади.*

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Решетов кўчаси, 4-уй. Телефон: 75-93-12. 20, 35-автобусларнинг ЎзДЖТУ бекати.**


Xullas...

### ҲАР КИМ ҲИММАТИГА ЯРАША

12 яшар Костя Селезновни Москванинг гемотология марказига келтиришди. Унинг мия суягини зудликда операция қилиш лозим эди. Курскда бу ҳақда эшитган минглаб кишилар боланинг ҳаётини сақлаб қолишга ўзларини дахлдор деб билишди. Беморнинг оиласи операцияга тайёр эмасди, маблағ масаласи дегандек...

Селезновлар оиласига хайрихоҳлар томонидан пул йиғилди. Ким қанча, ҳимматига яраша! Яхшилар фақат пул билан кифояланиб қолишмади, балки муҳтож оила аъзоларига бир сидрадан кийим-бош ҳам тортиқ этишди. Бундан ташқари, Москвага етиб олиш учун пул ҳам тутқазишди.

Ишқилиб, операция муваффақиятли чиқса бўлгани. Меҳр-мурувват шунда чинакам маънода акс этади...

### «КАМ ИЧСАНГ, ЯХШИ УХЛАЙСАН»

деб хулоса чиқаришди Америкадаги Миллий институтнинг уйқу муаммолари билан шуғулланувчи олимлари. Уларнинг фикрича, кучли уйқу ва алкогол бир-бирига зиддир.

Тез-тез сафарда бўладиган, меҳмонхоналарнинг унчалик шинам бўлмаган хоналарида тунаб қолишга мажбур бўладиган кишиларда уйқусизлик ҳолати кўп учрайди.

Улардан аксарияти гўёки қувватимни ошираман ва тезроқ уйғонаман деб, уйқу олдидан спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Бу эса мутлақо нотўғри. Табиийки, арокдан сўнг киши пинакка кетади, секин-аста уйқу оламига батамом ғарқ бўлади. Бироқ у ўз уйқусининг тинч ва осуда кечишига замин яратмайди: ичган киши безовта ва асабий, алоғ-чалоғ тушлар оғушида қолади.

Яхшиси, тинч ухлайман десангиз, ётиш олдидан ичмаганингиз маъқул...

### НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШДИ

Одамзотни шайтон йўлдан уриши рост. Она ўз фарзандининг умрига зомин бўлиши ҳақида эшитгандирсиз. Шундай воқеа Германияда рўй берди.

Мюнхен шаҳрида ўтган суд жараёни 29 ёшли аёлнинг айблов хулосасини кўриб чиқмоқда. Н. исмли бу аёл болгар миллатига мансуб, 5 ёшли Зарница исмли қизчасини шафқатсизларча ўлдирган.

Маълум бўлишича, қизча туғма фалаж, на ёта, на тура, на гапира олади. Уни даволаш мумкин эмаслигига кўзи етгач, ўз қўллари билан бўғиб ўлдириб қўя қолишни афзал кўрган. Аёл қотиллиги ҳақида полицияга ўзи хабар берган.

Суд ушбу иш юзасидан икки йиллик қамоқ жазосини эълон қилди.

ГФРнинг ногиронлар иттифоқи ҳаддан ташқари енгил чиқарилган бу ҳукмга норозилик билдиришди...

ana shunaqa gaplar

**Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа-педагогика факультети жамоаси, ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг профессори Х. Нурматовга опаси Зумрад КАРИМОВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.**

**Сирғали туманидаги 268-мактаб жамоаси шу мактабнинг рус тили ўқитувчиси Ф. Р. Фаварисовага умр йўлдоши Асқар ФАВАРИСОВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.**


Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Алишер НАЗАРОВ,
Норали ОЧИЛОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0175. Тиражи 26234. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6